

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

Ражабова Зухра Саъдуллаевна, Абдуллаева Гулчехра Хакимовна

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар университети Урганч филиали

E-mail: razabovazuhra7@gmail.com, miss_guli79@mail.ru

Аннотация. мамлакатимизда ёшларга таълим беришда масофавий ўқитишнинг ва масофавий таълимнинг аҳамияти кундан – кунга ортиб бормоқда. Масофавий таълим - бу ўқитувчи ва ўқувчи бир бири билан масофа ёки вақт орқали боғланган, информацион технологиялар ёрдамида амалга ошириладиган таълим тури ҳисобланади. Ҳозирги кунда жамиятда информацион – ахборот технологиялари жадаллик билан ривожланиб бораётган бир даврда таълим тизимини ҳам шу тараққиёт талабларига мос равишда ривожлантириш масаласи ва шу орқали етук мутахассислар етиштириб чиқариш энг долзар вазифалардан бири саналади. Шу жиҳатдан олганда, ушбу мақолада, бу мавзу бўйича ҳалигача мавжуд муаммоли вазиятлар, баҳсли масалалар ва қарашлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: масофавий ўқитиш, инновация, ахборот коммуникациялари, педогогик технологиялар, масофавий таълим, технология, интерактив технология, анъанавий таълим, виртуал таълим.

THE IMPORTANCE AND POSSIBILITIES OF DISTANCE EDUCATION IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Rajabova Zuhra Sadullaевна, Abdullaeva Gulchekhra Khakimovna

Urgench Branch of Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad Al-Khwarizmi

E-mail: razabovazuhra7@gmail.com, miss_guli79@mail.ru

Abstract. the importance of distance learning and distance education in the education of young people in our country is increasing day by day. Distance education is a type of education in which the teacher and the student are connected by distance or time, using information technologies. Nowadays, at a time when information technology is rapidly developing in the society, the question of developing the educational system in accordance with the requirements of this development and thereby producing mature specialists is considered one of the most important tasks. In this regard, this article analyzes the problematic situations, controversial issues and views that still exist on this topic.

Keywords: distance education, innovation, information communications, pedagogical technologies, distance education, technology, interactive technology, traditional education, virtual education.

Мамлакатимизда янги авлод кадрларини тайёрлаш иши жамиятнинг бугунги, келажакдаги талаб ва эҳтиёжлари аниқ ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар ва модернизация жараёнлари уйғун тарзда олиб борилмоқда. Ёшларга замонавий билим бериш ва уларда амалий кўникмаларни ривожлантиришда инновацион, ахборот-коммуникация технологиялари ва янги педогогик технологияларнинг ўрни беқиёс [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 28-майда қабул қилинган “Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ўқитувчи-кадрларнинг инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларни ўзлаштириши, интерфаол услубларни ўқув жараёнига жорий этишда муҳим омил бўлмоқда. Таълим тизимини ривожлантиришда, масофавий ўқитиш, электрон ўқув қўлланмаларини яратиш, виртуал ва электрон кутубхоналар ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Компьютерлар локал тармоқ ва интернетга уланган. Дарсларни илғор технологиялар асосида ўтиш учун аудиториялар электрон доскалар ва проекторлар билан таъминланган [2] [3].

Коронавирус пандемияси шароитида мамлакатимизнинг барча таълим тизими соҳаларида “онлайн таълим” тизими жорий қилиниб, ҳозирги кунда бу тизим нафақат пандемиялар шароитида балки ҳар қандай шароитда ҳам амалга жорий қилиш масаласи кун тартибида турибди. Фақат, 2022 йил, 3 октябрда олий таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 559-сон қарорига кўра, бу тизим амалиётга жорий қилинмоқда холос [4].

Таълим жараёнида масофавий ўқитишнинг аҳамияти ва имкониятлари мавзуси ҳали XX асрнинг 80-90-йилларидан жамиятнинг таълим ва илм-фан соҳаларига кириб кела бошлаган тушунча ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, мазкур мавзу бўйича шу пайтгача жуда кўплаган тадқиқотлар ва тажрибалар амалга оширилган. Аммо, тан олиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида бу таълим тизими эндигина кириб келмоқда. Фақат коронавирус пандемияси шароитидагина “онлайн таълим тизими” сифатида амалга оширилган холос. Шунинг учун ҳалигача таълим жараёнида масофавий ўқитишни у ёки бу даражада амалиётга жорий қилиниши масаласида бирор бир тўхтамга келиб бўлмайди. Шундай экан бу мавзу юзасидан ҳозиргача муаммо мазмун – моҳиятини тўлиқ очиб берувчи тадқиқот йўқ.

Масофадан ўқитиш бу мустақил ўқишдир. Мустақил ўқиш инсоннинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва ҳаттоки ишдан ажралмаган ҳолда ўқиши мумкин. Айнан шу афзалликлари туфайли бу услуб дунёда ҳозирги кунда кенг тарқалган. Кўпгина йирик корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун шу услубдан фойдаланиб, йилига миллионлаб долларларни тежамокдалар.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш топшириқларни, тестларни бажаришига қараб аниқланади. Ўқувчи берилган дастурни қанчалик тез ўзлаштиради, шунчалик тез ўқишни тугатади ва гувоҳнома олади. Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустақил ишлаб, ўқишни давом эттиришга имконият берилади.

Барча олий ўқув юрларида масофадан ўқитиш техника ва технологиясини амалга ошириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Ахборот технологияларни ривожланиши масофадан ўқитишни ташкил этишга янгича ёндашувни тақозо этади. Масофадан ўқитишни ташкил этишни ҳозирги замон моделларининг асосида коммуникация ва тармоқ технологиялари ётади [5].

Биринчидан, масофавий ўқитиш асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳолининг муайян қисмини таълим муассасаси жойлашган ерга йиғиш шарт эмас. Иккинчидан, тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф - харажат қилиш зарурати бўлмайди. Учинчидан, бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин. Масофавий ўқитишга жалб қилинувчи контингентни қуйидаги ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин:

иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш, малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлганлар;

минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари;

анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумот олмаган ёшлар;

ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига кўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари;

иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар;

марказдан узоқда, кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси;

эркин кўчиб юриши чекланган шахслар;

жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар;

ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар.

Ўзбекистон шароитида Масофавий ўқитишни ташкил қилиш катта самара беради.

Масофавий таълим - бу ўқитувчи ва ўқувчи бир бири билан масофа ёки вақт орқали ажратилган сабабли, информацион технологиялардан фодаланилган таълим тури.

Масофавий таълимнинг методик, иктисодий, социал ютуқлар ва афзалликлари, ҳамда камчилик ва салбий томонлари мавжуд [6].

Методик ютуқлар ва афзалликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Дарс жадвални қулайлиги. Ўқувчи ўзига маъқул бўлган вақтда ўқув жараёнига қатнашиши мумкин.

Қулай фойдаланиш манзиллари. Ўқувчи интернет кафе, уй, меҳмонхона, иш жойида ва бошқа жойлардан ўқув жараёнига қатнашиши мумкин.

Қулай ўқув режа. Ўқув режани талабаларга индивидуал ва давлат таълим талабларига мос ҳолатда ташкил қилиш мумкин.

Маълумотлар базасини тўпланиши. Олдинги ўқиган талабалар билимларини тўплаш ва ундан фойдаланиш имконияти.

Кўргазмалар қулайликлари. Мультимедия имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти.

Масофавий таълимда салбий томонлари ҳам борлиги ҳақида айтиш лозим. Уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Электрон ҳолатдаги таълим ва мулоқот жараёнларга ишончсизлик. Ушбу сабабдан талабалар асосан виртуал ҳолатдаги таълим турида эмас, балки оддий (кундузги ва сиртки) таълим турларида ўқиш истагида бўлишади.

Давлат масофавий таълим стандартлари йўқлиги ва натижада давлат нусхасидаги диплом берилмаслиги. Шу сабабдан кўпгина масофавий таълим курслари битирувчиларига фақат ушбу курсни битирганлиги ҳақида сертификат ёки гувоҳномалар беришади.

Виртуал муҳит ва техника таъминот билан боғлиқлиги. Масофавий таълим интернет борлиги, ундан фойдаланиш нархи, тезлиги ва сервислар мавжудлигига, махсус коммуникацион техникалар мавжудлиги ва улар ишлашига тааллуқли.

Масофавий таълимнинг асосий технологияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Интерактив технологиялар: Интернет масофавий таълим портали; видео ва аудио конференциялар; электрон почта орқали таълим; интернет орқали мустақил таълим олиш; узоқдан бошқариш системалар; онлайн симулятор ва ўқув дастурлар; тест топшириш системалари [7].

Интерактив бўлмаган технологиялар: Видео, аудио ва босмага чиқарилган материаллар; телевизион ва радио кўрсатувлар; дискларда жойлашган дастурлар.

Видео ва аудио конференциялар - бу Интернет ва бошқа телекоммуникацион алоқа каналлари ёрдамида иккита, узоқлашган аудиторияларни телекоммуникацион ҳолатда бир бири билан боғлаб таълим олиш йўли. Видео ва аудио конференциялар учун катта ҳажмда махсус техника, юқори тезликга эга бўлган алоқа канали ва ўқитишни ташкил қилиш учун хизмат кўрсатувчи мутахассисларни жалб этиш керак бўлади.

Интернет орқали мустақил таълим олиш - бу Интернетда жойлашган кўпгина сайтларда жойлашган катта ҳажмдаги маълумотлар устидан мустақил равишда ишлаш ва янги билимлар олиш йўли.

Электрон почта орқали таълим эса энг оммавий Интернет хизматларидан фойдаланиб, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида хатлар орқали мулоқот ўрнатиб таълим олиш йўли. У ёрдамида ҳар хил тест, вазифа, савол-жавоб ва кўрсатмаларни (матн, графика, мультимедия, дастурлар ва бошқа кўринишида) жўнатиб қабул қилишимиз мумкин.

Узоқдан бошқариш системалар - мураккаб дастур, система ва ускуналарни реал ҳолатда бошқариш ва уларда ишлаш имкониятларини яратувчи махсус системалар ёрдамида билим олиш йўли. Узоқдан бошқариш системаларнинг асосий вазифаси ўқувчига фақатгина амалий билимларни беришдир.

Симулятор, электрон дарсликлар ва ўқув дастурлар - бу асосан назарий ва амалий билимларни компьютер дастурлари орқали ўқувчиларга офф-лайн ҳолатида олиш йўли. Симулятор ва электрон дарсликлар ҳозирги кунда таълим соҳасида жуда кенг қўлланиляпти.

Тест топшириш системалари - бу махсус дастурлар ёрдамида ўқувчиларнинг амалий ва назарий билимларни текшириш унинг асосий вазифаси бу талабалар билимларини текшириб уларни баҳолаш.

Интернетнинг масофавий таълим портали бу махсус Интернет сайтлар (онлайн ресурслар).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимида замонавий ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш орқали амалга ошириладиган масофавий ўқитиш ёки масофавий таълимни жорий қилиш, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Шунинг учун бу борадаги назарий, услубий ва бошқа жиҳатларни давр талаблари асосида такомиллаштирилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, биринчидан, мамлакатимизнинг майдони катталиги ва марказдан географик узоқлашган регионлар мавжудлиги электрон таълимни ривожланишига асосий сабаб бўлиб, унга катта аҳамият берилишига олиб келмоқда. Иккинчидан, ҳозирги молиявий танқислик даврида, таълимнинг бу туридан кенг миқёсда фойдаланиш лозим. Мазкур таълим турини жорий қилиш билан боғлиқ айрим муаммоларнинг келиб чиқиши табиий. Булар асосан маблағлар, техника таъминоти ва шу соҳада малакали муҳандис ҳамда педагог кадрлар етишмовчилиги, лекин биз шу муаммоларни имконият даражасида ҳал қилишимиз зарур чунки, Ўзбекистон шароитида масофавий таълимни ташкил қилиниш катта самара бериши аниқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги Қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Тошкент; —Шарқ, 1997, 31-61 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сонли “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги қарори.
5. Бегимкулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. —Педагогик таълим жур, № 1, 2004 – 25-25 бетлар.
6. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари ва истиқболлари —Инфо. Ком Уз жур. № 3, 2006.- 64-65 бетлар.
7. Бегимкулов У.Ш. Малака ошириш тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Халқ таълими жур. № 6, 2004 - 132-137 бетлар.

